



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Мансур Бойсариев,
Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси,
mboysariyev@gmail.com

ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ- ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

For citation: Mansur Boysariyev, CONTRIBUTION OF REPRESENTATIVES OF THE AZERBAIJANI DIASPORA TO THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.56-63

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485253>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси вакилларининг ўзбек илм-фани ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумотлар таҳлил этилган. Шунингдек, тиббиёт фанлари доктори, профессор Г.Г.Абдуллаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор С.А. Масумов, тарих фанлари доктори, профессор Ю.Н.Алескеров, тарих фанлари номзоди С.Ожиев, тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.Ибодов, тиббиёт фанлари доктори Г. Ибадова, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.А. Азимбеков, “Олмалиқ КМК” АЖ бош муҳандисининг тоғ-кон ишлари бўйича ўринбосари Оруджов Узеир Салех кабиларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Озарбайжон диаспораси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, “Дўстлик” ордени, “Буюк хизматлари учун” ордени, “Шухрат” медали, II даражали “Саломатлик” ордени.

Мансур Байсариев,
Исследователь Национального университета Узбекистана
mboysariyev@gmail.com

ВКЛАД ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ДИАСПОРЫ В РАЗВИТИЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о вкладе представителей азербайджанской диаспоры в Узбекистане в развитие узбекской науки. Также из ученых азербайджанской национальности доктор медицинских наук, профессор Г.Г. Абдуллаев, доктор медицинских наук, профессор С.А. Масумов, доктор исторических наук, профессор Ю.Н. Алескеров, кандидат исторических наук С. Ожиев, доктор медицинских наук, профессор Р. Ибодов, доктор медицинских наук Г. Ибадова, Первый чрезвычайный и полномочный посол Азербайджана в Узбекистане А.А. Азимбеков, заместитель главного инженера АО «Олмалик

КМК» по горным делам Оруджов Узеира Салеха были представлена информация о жизни и трудовой деятельности.

Ключевые слова: Азербайджанская диаспора, “Заслуженный деятель науки Узбекской ССР”, орден “Дружбы”, орден “За большие заслуги”, медаль “Шухрат”, орден “Здоровья” II степени.

Mansur Boysariyev,
Researcher at the National University of Uzbekistan
mboysariyev@gmail.com

CONTRIBUTION OF REPRESENTATIVES OF THE AZERBAIJANI DIASPORA TO THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article presents information about the contribution of representatives of the Azerbaijani diaspora in Uzbekistan to the development of Uzbek science. Also among the scientists of Azerbaijani nationality are Doctor of Medical Sciences, Professor G.G. Abdullayev, Doctor of Medical Sciences, Professor S.A. Masumov, Doctor of Historical Sciences, Professor Yu.N. Aleskerov, Candidate of Historical Sciences S. Ojiev, Doctor of Medical Sciences, Professor R. Ibodov, Doctor of Medical Sciences G. Ibodova, the First Ambassador Extraordinary and Plenipotentiary of Azerbaijan to Uzbekistan A.A. Azimbekov, Deputy Chief Engineer of JSC "Olmalik KMK" for Mining Affairs Orujov Uzeyir Saleh were presented with information about life and work.

Index Terms: Azerbaijani Diaspora, “Honored Scientist of the Uzbek SSR”, Order of Friendship, Order of Great Merit, medal “Shukhrat”, Order of Health of the II degree.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустақкамлашга, Республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шундай миллатлардан бири озарбайжонлар ҳисобланади. Озарбайжон диаспораси вакиллари Ўзбекистон илм-фани тараққиётига муносиб ҳиссаси қўшишган ва уларнинг фаолияти оммалаштириш, илмий муомалага киритиш билан Ўзбекистон энг янги тарихи учун муҳим аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Озарбайжон диаспораси вакиллари Ўзбекистон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси юзасидан махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Тарихчилардан А.Адыгезалов, Ф.Адилов, Л. И. Жукова, Ю. Ф. Буряков, Р.Назаров, М.Зейналова[1] кабилар ўзбек-озарбайжон халқлари муносабатлари, Ўзбекистондаги озарбайжон диаспораси вакиллари тарихи, Ўзбекистон-Озарбайжон давлатларининг сиёсий-иқтисодий алоқалари тарихи мавзуларда илмий тадқиқот, илмий мақола, монографияларида озарбайжон диаспораси вакиллари Ўзбекистон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси қисман тўхталиб ўтилган. Мазкур мақола объективлик, қиёсий таҳлил тамойиллари асосида далиллар билан ёритиб берилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон илм-фани ривожига Г.Г.Абдуллаев, С.А. Масумов, С.Ожиев, Р.Ибодов, Г. Ибадова, Ю.Н.Алескеров, А.А. Азимбеков каби олимлар хизматларини эътироф этиш зарур. Ушбу озарбайжон диаспораси вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш икки қардош халқ тарихини ўрганиш демакдир.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ривожланишида озарбайжон диаспораси вакилларинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Шундай олимлардан бири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Гафар Гафарович Абдуллаевдир[2].

У 27 февраль 1896 йилда Бокуда туғилган. 1918 йилда Қозон университетининг тиббиёт факултетини тугатган, Туркменистон ва Озарбайжонда кўз касалликлари бўйича мутахассис бўлиб ишлаган.

1924 йилда Самарқандга кўчиб ўтади ва вилоят касалхонасига офталмолог лавозимига қабул қилинади.

У 1931-1951 йилларда — Самарқандда офталмология клиникаси ассистенти (1931-1934), доцент, 1935-1950 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кўз касалликлари кафедраси мудир, 1937 йилдан 1942 йилгача илмий ишлар ва аспирантура бўйича директор ўринбосари вазифаларини бажаради.

У трахома учун янги даволаш усулларини ишлаб чиқади ва 1941 йил тиббиёт фанлари доктори, профессор унвонини олади. 1943 йил 4-ноябрда Ўзбекистон ССР фанлар Академияси ташкил этилганда биринчилардан бўлиб мухбир аъзо бўлиб сайланади.

Г.Абдуллаев Ўзбекистон илм-фанига қўшган ҳиссаси учун 1946-йил “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланади. У тиббиёт соҳасидан ташқари, жамоатчилик орасидаги обрў-эътироби кучли шахс сифатида 2-чакириқ СССР Олий Кенгашининг депутати этиб сайланди. У 9-февраль 1951 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этди. Унинг хотирасини адабийлаштириш мақсадида Ўзбекистон миллий энциклопедиясига киритилган, шунингдек Самарқанд тиббиёт университети қошидаги музейда у ҳақидаги маълумотлар жой олган экспозиция яратилган. Узоқ вақт у яратган трахома учун янги даволаш усулларида ўзбек кўз шифокорлари фойдаланиб келади.

Яъна бир Ўзбекистон тиббиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Масумов Содик Алиевичдир. У 13-май 1902 йил ҳозирги Туркменистон Республикаси пойтахти Ашхобод шаҳрида (ўша даврда Полтарцк ш.) таваллуд топган.

7 ёшида у Ашхобод эркалар гимназиясига ўқишга кирди ва уни 1919 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. 1919 йилдан бошлаб Қизил гвардия таркибидаги Черняевск полкида оддий аскар сифатида хизмат бошлайди. У 1920 йилда ўқишга янги ташкил этилган Туркистон университетига юборилади.

У 1925 йилда профессор П. Ф. Боровский раҳбарлигида Тошкент шаҳар қизил Хоч жарроҳлик шифохонасининг резиденти сифатида жарроҳлик фаолиятини бошлади. 1930 йилда С. А. Масумов Ўрта Осиё университети тиббиёт факултети жарроҳлик клиникасига ёрдамчи сифатида ўтади. 1938 йилда у факултет жарроҳлиги кафедраси доценти лавозимига тайинланди.

1943 йилда у умумий жарроҳлик кафедраси мудир, 1951 йилда эса Тошкент тиббиёт институти тиббиёт факултети касалхона жарроҳлиги кафедраси мудир бўлди. С. А. Масумов нафақат жарроҳлик клиникаси раҳбари сифатида, шу билан бирга фаол педагогик ва жарроҳлик фаолиятини юритди. У кенг қамровли ўқув ва жарроҳлик ишлари билан бир қаторда клиник ва экспериментал жарроҳлик бўйича интенсив илмий тадқиқотлар олиб боради, 70 дан ортиқ илмий ишлар ва 4 та монография чикаради.

С. А. Масумов ва унинг бошчилигидаги жамоанинг илмий фаолияти асосан Ўзбекистондаги эндемик бўқоқни, меъда ва ичакнинг яра касаллигини хирургик усулда даволаш, эндемик бўқоқ гистопатологиясига, қорин бўшлиғи касалликларини аниқлашга оид бўлган.

1933 йилда Фарғона водийсида эндемик бўқоқни ўрганиш учун С. А. Масумов бошчилигидаги катта экспедиция ташкил этилади. Кўп йиллик ишлар натижасида Фарғона водийсидаги бўқоқнинг этимологияси ва патогенези, клиник хусусиятлари ва морфологик тузилиши бўйича муҳим материаллар тўпланади. С. А. Масумовнинг 1943 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси бу катта ишнинг ҳосиласи эди. 1943-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этади ва хизматлари учун “1941-

1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан тақдирланади. Шунингдек, С. А. Масумов тиббий хизмат майори унвони билан урушни яқунлайди[3].

1946 йил “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирланади. Унинг раҳбарлигида 5 та тиббиёт фанлари доктори ва 25 та тиббиёт фанлари номзодини тайёрлаган. У Ленин ордени, Меҳнат, Қизил байроқ ва бошқа медаллар билан тақдирланган[4].

Кейинги даврларда ҳам Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида озарбайжон вакиллари билан тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.Ибадов, тиббиёт фанлари доктори Г.Ибадовлар муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Қизиқ томони ушбу олимлар битта оила фарзандлари бўлиб, опа-укалар ҳисобланади.

Профессор Ибадова Гульнора Алиевна 26 март 1957 йил Тошкентда зиёли оиласида туғилган.

У 1980 йилда Ўрта Осиё тиббиёт Педиатрия институтини (САМПИ) педиатрия факултетини имтиёзли диплом билан тугатган. 1980-1981 йилларда шаҳар болалар касалликлари тиббиёт муассасаси болалар хирургияси бўйича амалиёт ўтайди. 1981-1982 йилларда Тошкент вилоят туғруқхонасида микропед-шифокор ва анестезиолог бўлиб ишлаган.

Г.Алиева 1982-1984 йилларда САМПИ болалар касалликлари кафедрасида клиник ординатурани тамомлайди.

1984-1987 йилларда Сеченов номидаги 1-Москва тиббиёт институтининг “Болалар касалликлари” кафедраси аспиранти, 1987-1991 йилларда Ўрта Осиё тиббиёт Педиатрия институти (САМПИ) болалар касалликлари кафедраси ассистенти бўлиб ишлайди.

1991-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, Микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти “Диарея касалликлари” клиник кафедраси катта илмий ходими сифатида фаолият кўрсатди.

У 1997-2000 йилларда “СОРИС” масъулияти чекланган жамияти эмлаш идораси шифокори сифатида фаолият кўрсатди.

У 2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, Микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг “Диарея касалликлари” лабораториясининг мудири бўлиб хизмат қилди.

У 2004 йилдан бери Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Болалар юқумли ва паразитар касалликлари” кафедраси мудири лавозимида ишлайди.

У 1998 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирга қадар 140 дан ортиқ илмий ишлар, жумладан 1 та монография, 6 та шифокорлар учун ўқув қўлланма, 60 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий журналларда мақолалари нашр этилган.

Г. Ибадова тиббиёт соҳасидаги ихтиролари учун 3 та патент ва компьютер дастурлари учун 5 та патентга эга.

Унинг илмий раҳбарлигида 5 та мутахассис тиббиёт фанлари номзоди унвонини ҳимоя қилган. Ҳозирда юқумли касалликлар бўйича 3 та докторлик ва 1 та докторлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилмоқда[5].

Профессор Ибадов Равшан Алиевич 1-сентябрь 1967 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳридаги 50-сонли мактабни аъло баҳоларга битиргач, Тошкент тиббиёт институтига ўқишга киради. У узоқ муддат Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида фаолият юритди. Унинг 30 ортиқ маҳаллий ва хорижий журналларда мақолалари нашр этилган.

2021 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серкирра ижоди, самарали илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат

ишларидаги фаол иштироки учун академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири Ибадов Равшан Алиевич **II даражали «Саломатлик» ордени билан тақдирланади**[6].

Озарбайжон диаспорасининг ўзбек тиббиёт соҳасидаги фаолиятлари туфайли турли юқумли касалликлар, эндемик касалликларни даволаш усуллари, жарроҳлик соҳасида янгиликлар, болалар юқумли касалликлари ўрганиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилганлиги юқоридаги олимлар ҳаёти ва меҳнат фаолиятидан ҳам кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистонда тарих фани ривожланишида ҳам озарбайжон диаспораси вакиллариининг меҳнатларини алоҳида қайд этиш зарур. Машҳур олимлардан бири Юрий Николаевич Алескеров ўзбек фан оламида ўрни бўлакча[7].

У 13 май 1913 йил Россия империяси Доғистон вилояти Петровск-Порт шаҳрида ишчи оиласида туғилган[8]. У 1936 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг Тарих факултетини тамомлаган, сўнг, Фарғона ва Самарқанд шаҳридаги ўрта мактабларда, Самарқанд санъат коллежида тарих фанидан дарс берган.

Ўзбекистон тарихига бўлган қизиқиши натижасида 1938-1941 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети СССР тарихи кафедраси аспиранти бўлиб ўқийди. Уруш йилларининг дастлабки даврида 1941-1942 йилларда Самарқанд давлат университети Тарих факултети катта ўқитувчиси бўлиб фаолият юритди.

Ю. Алескеров 1942 йил июлдан 1948 йилгача Совет армияси сафида бўлиб; Иккинчи жаҳон урушида қатнашди. 1948 йилда демобилизациядан сўнг у яна Самарқанд давлат университетида ишлай бошлади.

1951 йилда Тарих факултети декани, 1956 йилда доцент, СССР тарихи кафедраси мудири бўлган.

1941 йилда Юрий Николаевич “Британиянинг Ўрта Осиёга аралашуви 1917-1920 йиллар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1949 йилда у доцент унвонида тасдиқланди ва 1973 йилда — профессор унвонини олди.

1975 йилда тарихи фан ривожига кўшган ҳиссаси учун “Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони” билан тақдирланган.

Ю. Н. Алескеров Самарқанд тарихи, фуқаролар уруши ва Марказий Осиёга хорижий давлатлар аралашуви тарихи ва бошқа мавзуларда 100 дан ортиқ китоб ва рисоалар, кўплаб илмий ва илмий-оммабоп нашрлар ёзган. Улар орасида “Марказий Осиёда интервенция ва фуқаролар уруши” (1959), “Самарқанд. Тарих саҳифалари”(1967), “Асрларга тенг йиллар. Самарқанд тарихи саҳифалари” (1973) каби асарлари мавжуд.

Ю. Н. Алескеров Самарқанд йўл-кўрсаткич қўлланмасини тузишда иштирок этди ва шаҳар тарихини оммалаштирувчи бир қатор очеркларни нашр етди.

Ю. Н. Алескеров 24 йил 1982 июлда Самарқандда вафот етди. У яшаган уй музейга айлантирилган. Кейинчалик бу уй-музей бузилиб кетган[9].

Яъна бир тарихчи олим Саҳоват Ожиевнинг архившунослик, архив хужжатлари асосида тарихни ёритиш борасида қилган хизматлари муҳим ўрин эгаллайди.

Саҳоват Ожиев 1951 йилда Озарбайжон Республикаси Жалилобод тумани Қоразанжир қишлоғида туғилган [5]. Ўз қишлоғида 8 йиллик мактабни битиради. У 1966-1969 йилларда Бокуда 5-сонли техника ва касб-хунар мактабини тугатиб, дурадгор касбга эга бўлди.

У 1975-1981 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг Тарих факултетини тамомлайди. Кейинги йилларда Самарқанд вилоят Архив иши бошқармаси Ижроия қўмитасида Бош инспектор ҳамда Самарқанд давлат университети Тарих факултетида “Архившунослик” кафедрасида маъруза ўқиш бўйича иш олиб борди.

У 1990 йилда Самарқанд давлат университети Педагогика кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. Саҳоват Ожиев ўзбек, тожик ва рус тилларида билимдони сифатида учта тилда маърузалар ўқийди, шунингдек, семинар ва дарслар ўтказди.

Саҳоват Ожиев “Саид Рза Ализода, ўқув фаолияти ва педагогик учрашувлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади ва Самарқанд тарихи, озарбайжонлик маърифатпарварлар борасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ҳозирда у “Туркистонда Озарбайжон маърифатпарварларининг ўқув фаолияти ва педагогик қарашлари (XIX-XX асрлар)” мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Олим ҳозирда Самарқанд давлат университети Педагогика кафедраси мудири, профессор сифатида фаолият олиб бормоқда.

1992 йилдан бери Озарбайжон-Ўзбекистон маданий ва иқтисодий алоқалар марказининг асосчиси ва раиси. Узоқ вақт давомида маҳалла раиси лавозимида фаолият юритган.

2001 йил ноябрь ойида Бокуда ташкил этилган Жаҳон озарбайжонларининг биринчи Конгрессида иштирок этган.

Турон академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган. Саҳоват Ожиев 200 дан ортик илмий-педагогик ва публицистик мақолалар, сценарийлар, монографиялар ва китоблар муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистон-Озарбайжон муносабатларида атоқли давлат арбоби, Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ойдин Алибекович Азимбеков алоҳида ўрин тутади. У 1932 йил Нахичеванда туғилган. Ўтган асрнинг 30-йилларида бегуноҳ одамлар каби унинг оиласи ҳам ўз ўчоқларини, уйларини, Ватанларини тарк этишга мажбур бўлишди ва ўзларини бегона юртда, одатдаги жойларидан узоқда, оч юртда, баъзан озиқ-овқатсиз ва бошпанасиз омон қолишга ҳаракат қилишди. Бу жуда қийин давр эди, лекин Ойдин бу қийин кунларни енгиб ўтди ва қишлоқ мактабини олтин медал билан тугатди.

1957 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тугатгач, ишлаб чиқаришда ишлаган. Унинг карераси автомобил компаниясининг механиги сифатида бошланган. Автомобил транспортида ишлашнинг дастлабки босқичларидан бошлаб у халқ хўжалигининг ушбу тармоғини чуқур ўрганиб чиқди, иқтисодиёт, саноатни чуқур ўрганди. У 1964 йилдан 1974 йилгача у аввал муҳандис, кейин эса энг йирик транспорт иқтисодиётининг бошлиғи бўлиб, у ерда устахоналар ташкил қилди ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлади.

У 1974-1977 йилларда Ўзбекистон ССР Сирдарё вилоят кўмитаси бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритди. У 1977-1986 йилларда Ўзбекистон ССР Сирдарё вилоят Комитети Коммунистик партияси котиби лавозимида ишлади.

Унинг фаол, виждонли меҳнати Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан юқори баҳоланди ва у Автотранспорт вазирлиги вазири лавозимига тайинланди. У 1986-1988 йилларда Ўзбекистон ССР автотранспорт вазири лавозимида ишлайди. Шундай қилиб, у 19 йил давомида Ўзбекистон автомобил транспорти тизимида ишлади.

У 1986-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг турли лавозимларида фаолият юритди.

1996 йилда Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлди. 1996-2004 йилларда Ойдин Алибековичнинг сай-ҳаракатлари билан: Тошкентда Озарбайжон элчихонасининг янги биноси, Тошкентда Ҳайдар Алиев номидаги кўча; Тошкентда “Озарбайжон уйи” нинг очилиши; Тошкент давлат педагогика университети биноси олдида буюк шоир ва мутафаккир Низомий Ганжавий бюсти ўрнатилди.

Ойдин Азимбеков Озарбайжонни ўзбек халқи, унинг бой ва бетакрор маданияти, урф-одат ва анъаналари ҳақида янада хабардор қилиш учун кўп ишлар қилди. Ойдин Азимбеков Озарбайжон пойтахти Бокуда 2012 йил 20 ноябрь куни вафотди.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдаги хизмати учун 2002 йил 9-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3171-сонли фармони билан Озарбайжон элчиси А. А. Азимбеков “Дўстлик” ордени билан тақдирланди[10].

Озарбайжон диаспорасидан бўлган олимларнинг Ўзбекистонда гуманитар фанлар ривожига қўшган ҳиссаси натижасида мустақиллик йилларида икки халқ ўртасида дўстлик, халқ дипломатияси ривожланди.

Ўзбекистон тоғ-кон саноати ривожланишида ҳам озарбайжон диаспораси вакилларининг ўз ўрни бор. Ўтган асрнинг 50-80 йилларидаёқ Ўзбекистондаги конларни ўзлаштиришда озарбайжон геологлари фаол иштирок этишган ва Собиқ Иттифоқи парчалангандан кейин уларнинг айримлари Ўзбекистонда қолишган эди. Шундай кончилардан бири Оруджов Узеир Салех ўғлидир.

У 1960 йилда Арманистон Республикасида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, 1981 йилда Озарбайжон Нефт ва кимё институти Фойдали қазилмалар конларини ер ости усулида ишлаб чиқиш технологияси ва комплексли механизацияси мутахассислиги бўйича тугатади.

У 1981-1991 йилларда - “Ўзбеколтин” ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрен олтин қазиб олиш кони Кўчбулоқ шахтасининг 3-участкаси ер ости кон устаси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган бўлса, кейинчалик 1-участкаси катта кон устаси, бошлиғи, 5-участкаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритди.

Бир муддат 1991-1992 йилларда Қозоғистон Республикаси “Каззолото” кончилик-бойитиш комплекси “Энбек” олтин изловчилар артели “Тахтаровка” шахтасининг кон устаси сифатида фаолият юритди. Кейинчалик Ўзбекистонга қайтди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон олтин захирасини яратишда барча кончилар каби ўз ҳиссасини қўшишга, мамлакат иқтисодиётини яхшилашга ҳаракат қилди.

У 1992-1999 йилларда “Ўзбеколтин” ишлаб чиқариш бирлашмаси “Горная” шахтасининг бошлиғи, бош муҳандиси, “Зарниса” олтин изловчилар артелининг бош муҳандиси лавозимларида фаолият юритди.

У 1999-2001 йилларда “Ўзолмосолтин” уюшмаси Ангрен олтин қазиб олиш конининг бош муҳандиси сифатида, 2001-2002 йилларда “Ўзолмосолтин” уюшмаси Ангрен олтин қазиб олиш кони директори вазифаларини бажарди.

2002-2007 йилларда “Олмалиқ ТМК” ОАЖ техник директорининг тоғ-кон ишлари бўйича ўринбосари лавозимида, 2007 йилдан ҳозирги кунга қадар “Олмалиқ КМК” АЖ бош муҳандисининг тоғ-кон ишлари бўйича ўринбосари фаолият юритмоқда[11]. Унинг хизматлари муносиб эътироф этилиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Шундай қилиб, амалга оширилаётган устувор йўналишлар суръатини, кенг қўламли демократик ислохотларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя - Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида турли миллат вакилларининг бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон илм-фани ривожланишида турли миллат вакиллари, жумладан озарбайжонлар муносиб ҳиссасини қўшишди ва ҳозирда мамлакатнинг турли соҳаларида самарали фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон давлатида ҳар бир миллат вакилига кенг имконият, шароит яратиб берилган. Мустақиллик йилларида озарбайжон диаспораси вакилларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакатни юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серқирра ижоди, самарали илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун “Дўстлик” ордени билан К.Алиева, М.Мамедов, М. Рагимова, Э. Мамедов, Ф.Гусейнов, А. Азимбеков, Али Гейдар ўғли Насирли, Х.Абдуллаев, “Буюк хизматлари учун” ордени билан Ф.Сафаров, М.Шайхзода, “Шухрат” медали билан К.Алиева, И.Мамедов, II даражали “Саломатлик” ордени билан Р.Ибадов каби ўнлаб озарбайжон диаспораси вакиллари тақдирланишди. Миллатлараро алоқаларни

мустаҳамлаш ва ривожлантиришга интилаётган озарбайжон фаоллари ўзбек ва озарбайжон маданиятларининг ўзаро алмашинуви ва бойитилишига, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Адыгезалов А.Н. Взаимное сотрудничество Республики Узбекистан и Республики Азербайджан в условиях формирования современной системы международных отношений. Автореф. дисс. докт. фил. наук. (PhD) – Т., 2019; Адилов Ф.А. “Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалари тарихи (1946-1991 йй.)” Автореф.Тар.фан. бўйича фалсафа док.(PhD) – Т., 2019; Л. И. Жукова, Ю. Ф. Буряков “Этнический атлас Узбекистана” Институт "Открытое Общество" — Фонд содействия — Узбекистан, 2002.// стат. АЗЕРБАЙДЖАНЦЫ стр-15; <https://azerhistory.com/?p=51594>// Р.Назаров Из истории азербайджанской диаспоры в Узбекистане; М.Зейналова “Исторические связи азербайджанского и узбекского народов” баку-2017, 205 с.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том I. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти – Тошкент, 2001 й. 25-бет.
3. <https://1418museum.ru/heroes/16358159/> Масумов Садык Алиевич.
4. Вахидов В.В., Калиш Ю.И. История развития хирургии в Узбекистане. Мед. журн. Узбекистана – Ташкент, №12 1974 г. Стр. 44-61.
5. Tashkent vrachlar malakasini oshirish instituti (tipme.uz)/ ru/leaders/department-leaders?id=46 /Ибадова Гулнара Алиевна биография.
6. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-mustaqilligining-ottiz-yilligi-munosabati-bilan-fan-talim-sogliqni-saqlash-sport-adabiyot-madaniyat-sanat-sohalari-va-ommaviy-ahborot-vositalari-xodimlaridan-bir-guruhini-mukofotlash-togrisida_295815
7. М.Зейналова “Исторические связи азербайджанского и узбекского народов” Баку-2017, с 148.
8. Общественные науки в Узбекистане № 11. Издательство “Фан”– Ташкент 1982, стр. 57.
9. Василий Костецкий У Самарканда от него не было тайн — Письма о Ташкенте (mytashkent.uz) /?ysclid=lacl47n55m842074887.
10. ПФ-3171-сон 09.12.2002. Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Айдин Алибекович Азимбековни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида (lex.uz)
11. <https://www.agmk.uz/ru/leadership/orudzhov-uzeir-soleg-ogly>

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000